

## **КИЧИК БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

**Менгқобилова Нодира Маматсуродовна**

*Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар  
университети магистранти*

**Аннотация:** Тезисда кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга оид асосий стратегийалар ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Кичик бизнеслар мамлакат иқтисодиётининг муҳим компонентларидан бири бўлиб, иш ўринларини яратиш, инновацияларни жорий қилиши ва маҳаллий бозорларда рақобатни оширишида муҳим роль ўйнайди. Маълумотлар асосида, мақола давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий, ташкилотий ва ижтимоий жиҳатларини кўриб чиқади. Шунингдек, кичик бизнеснинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар, уларни ҳал қилишининг йўллари ва халқаро тажрибалар борасида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Кичик бизнес, лойиҳа қўллаб-қувватлаш, давлат сиёсати, молиявий ёрдам, инновациялар.

Кичик бизнесларнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти ҳар қанча таъкидланган бўлса ҳам, бугунги кунда уларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш муаммолари дунё бўйлаб долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнеслар маҳаллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, иқтисодий таназзул, пандемиялар, табиий оғатлар ва бошқа иқтисодий ва ижтимоий омиллар кичик бизнесларнинг ишлashingини



қийинлаштираётганига қарамасдан, уларни қўллаб-куватлаш стратегиялари янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичик бизнесларнинг ривожланиши ва уларни қўллаб-куватлаш механизмларининг самарадорлиги мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсишига, янги технологияларни жорий қилишга ва тадбиркорлик мухитини яхшилашга катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, кичик бизнесларнинг қўллаб-куватланиши инновацион ғояларни амалга оширишга, тадбиркорлар учун янги имкониятларни яратишга ва маҳаллий бозорларда рақобатдош мухитни шакллантиришга ёрдам беради.

Кичик бизнесларни қўллаб-куватлаш стратегиялари хақидаги таҳлиллар келгуси нуқталарда амалга оширилган тадқиқотлар ва жорий амалиётларга асосланиб олиб борилади. Ушбу таҳлилларда давлат сиёsatларининг таъсири, кичик бизнесларнинг ривожланишининг ички ва ташқи омиллари, стратегик йўналишлар ва уларга таъсир этувчи муаммолар кўриб чиқилади.

Кичик бизнесни қўллаб-куватлашда давлатнинг роли катта. Давлат томонидан бериладиган молиявий ёрдам, грантлар, субсидиялар ва имтиёзли кредитлар кичик бизнеслар учун муҳим имкониятлар яратади. Шу билан бирга, давлатнинг қонунчилик базасини яхшилаш, бюрократияни камайтириш ва тадбиркорлар учун қулай мухит яратиш ишбилармонлик мухитини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-куватлашга қаратилган сиёsatлари (масалан, кредитлаш тизими ёки имтиёзлар) тадбиркорлар учун бир қанча қулайликлар яратади. Шунга қарамай, кичик бизнесларнинг ривожланишидаги асосий муаммо бўлган коррупция ва бюрократия калтиқи бу стратегияларнинг самарадорлигини пасайтиради. Хукуматнинг кичик бизнесларга қўллаб-куватлаш сиёsatларини тўғри ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнеслар қўп ҳолларда молиявий ресурслардан маҳрум бўлиб, уларнинг ишга тушиши ва ривожланиши учун керакли капитални топиш

қийинчилик туғдиради. Молиявий қийинчиликлар, шу жумладан, банклардан олинган кредитлар учун юқори фоиз ставкалари ва тадбиркорлар учун кредит бериш шартларининг қийин бўлиши, бизнеснинг ёпилишига олиб келиши мумкин. Кичик бизнеслар учун кредитлар ва молиявий ёрдамни олишнинг қийинлиги, айниқса, ривожланишда бўлган ва янги иш бошлаган тадбиркорлар учун асосий тўсиқ ҳисобланади. Давлат томонидан молиявий ёрдам беришдаги самарадорликни ошириш ва кредитлаш тизимини такомиллаштириш зарур.

Кичик бизнесларнинг муваффақияти, айниқса, маҳаллий бозордаги рақобат муҳити ва маркетинг стратегіяларини тўғри танлашга боғлиқ. Кичик бизнеслар кўпинча ўз товарлари ва хизматларини кенг аудиторияга етказишида қийинчиликка дуч келишади, шунингдек, уларнинг маркетинг бюджетлари ҳам чекланган бўлади. Кичик бизнесларнинг маркетинг имкониятлари ва рақобатга киришишдаги олинган натижалар ўртасидаги оранглик кўпинча уларнинг ривожланишини чексиз чеклайди. Янгилangan маркетинг стратегияларига, шу жумладан, рақамли маркетинг ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга қизиқиш ортиб бормоқда. Бунинг билан, кичик бизнеслар учун рақобатга киришиш ва ўз позицияларини мустаҳкамлаш имкониятлари ошмоқда.

Кичик бизнесларнинг ривожланишида инновациялар ва янги технологиялар муҳим роль ўйнайди. Кичик бизнеслар, аксарият ҳолларда, янги технологияларнинг жорий этилишига қизиқиш билан ёндашишади, аммо бу учун юқори маблағлар ва малакали кадрлар керак. Инновацион технологияларни жорий қилиш кичик бизнесларнинг рақобатдошлигини оширади, аммо уларнинг амалга оширилиши кўп вақтда катта сарф-харажат ва малака талаб этади. Шунинг учун, давлатнинг инновацияларни қўллаб-қувватловчи дастурлари ва хусусий секторнинг бизнесларга янгиликларни жорий этиш бўйича қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнеслар учун қонунчилик ва ҳукуқий муҳитнинг мустаҳкам ва ишончли бўлиши талаб этилади. Кичик бизнесларнинг ишлаш жараёнида

хуқуқий муаммолар ва бюроқратиянинг қийинлашиши бизнеснинг ривожланишини тўсади. Кичик бизнеслар учун қонунчиликнинг аниқ ва ишончли бўлиши, бюроқратияни камайтириш ва қонунларнинг амалга оширилишини таъминлаш муҳим. Бу ишбилармонлар учун ишончли ва барқарор иш муҳитини шакллантиради. Шунингдек, бизнес юритишдаги хуқуқий ёрдамни кўрсатиш ва бизнес билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини яхшилаш зарур.

Кичик бизнесларнинг ривожланишини ўрганишда ҳалқаро тажрибалар муҳим ўрин тутади. Турли давлатларда амалга оширилаётган қўллаб-куватлаш стратегиялари ва уларнинг самарадорлиги тадқиқотлар олиб бориш учун зарур манба ҳисобланади. Ҳалқаро тажрибалар кичик бизнесни ривожлантиришдаги самарали стратегияларни аниқлашга ёрдам беради. Хусусан, Европанинг бир қатор давлатлари ва АҚШнинг кичик бизнесларни қўллаб-куватлашдаги тажрибалари Ўзбекистондаги кичик бизнеслар учун илҳом манбаига айланиши мумкин.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, кичик бизнесларни қўллаб-куватлашнинг самарали стратегиялари давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги, молиявий ёрдам, қонунчилик базасини яхшилаш, маркетинг стратегияларини тўғри танлаш ва инновацион технологияларни жорий қилишни ўз ичига олиши лозим. Буларнинг барчаси кичик бизнесларнинг муваффақияти учун муҳим омиллардир.